Сагатова Шохсанам Форрух қизи,
Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети "Педагогика ва умумий психология" кафедраси ўқитувчиси

НОГИРОН ФАРЗАНДИ БОР ОИЛАЛАР ПСИХОЛОГИК ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

ЎЎК: 159.96
DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_12_9

САГАТОВА Ш.Ф. НОГИРОН ФАРЗАНДИ БОР ОИЛАЛАР ПСИХОЛОГИК ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ушбу мақолада айнан ривожланишида нуқсони бўлган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига жамият ва давлат муносабатларининг эволюцияси, психик ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахсларга бўлган гуманистик муносабатнинг юзага келиши ва ривожланиши, уларга ёрдам кўрсатишдаги биринчи тажрибалар, бундай болаларни тарбиялаётган ота-оналар учун консультатив ёрдам ташкил қилиниши ҳамда алоҳида эҳтиёжли болалари бўлган оила муаммоси ўрганилишининг замонавий босқичлари таҳлил қилинади.

Таянч сўз ва тушунчалар: ижтимоий-психология, ногиронлиги бўлган болалар, жамият, шахс ривожланиши, оилада шахслараро муносабат, консультатив ёрдам, тиббий-психологик ёрдам, ота-она.

САГАТОВА Ш.Ф. ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ СЕМЕЙ, ВОСПИТЫВАЮЩИХ ДЕТЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

В данной статье анализируются эволюция отношения общества и государства к людям с недостатками развития и членам их семей, возникновение и развитие гуманистического отношения к людям с психическими и физическими недостатками, первые опыты оказания им помощи, организация консультативной поддержки для родителей, воспитывающих таких детей, и особенности современных этапов изучения проблемы семей с детьми с особыми потребностями.

Ключевые слова и понятия: социальная психология, дети с ограниченными возможностями, социум, развитие личности, межличностные отношения в семье, консультативная поддержка, медико-психологическая поддержка, родители.

SAGATOVA SH.F. HISTORICAL ANALYSIS OF THE PSYCHOLOGICAL WELL-BEING OF FAMILIES WITH DISABLED CHILDREN

This article analyzes the evolution of the attitude of society and the state towards disabled people and their families, the emergence and development of a humanistic attitude towards people with mental and physical disabilities, the first experiences of helping them, the organization of advisory support for parents raising such children. Moreover, features of modern stages of studying the problem of families with disabled children are analyzed.

Key words and concepts: social psychology, disabled children, society, personality development, interpersonal relationships in the family, advisory support, medical and psychological support, parents.

Кириш. Ривожланишида нуқсони бўлган бола муаммоси оилавий ҳаётнинг турли босқичларида юзага келиши мумкин. Инсониятнинг ривожланиш тарихида оила ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари ногирон чақалоқлардан қутулишни тақозо қилувчи жамият буйруғидан тортиб, бундай оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш кераклигини тушунишгача бўлган йўлни босиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, оилада психик ва жисмоний нуқсони бўлган боланинг туғилиш вақтидан бошлаб муаммоли вазият юзага келади ва ушбу вазият жамиятнинг нуқсонга бўлган муносабатида акс этади. Бу муносабатлар боланинг яқинларига ҳам тегишлидир (ота-онаси, оиланинг бошқа аъзолари, васийлар). Бундай оила муаммосининг генезиси замонавий цивилизациянинг ривожланиши давомида жамиятнинг психик ва жисмонан нуқсонли инсонларга бўлган муносабати тарихи билан белгиланган ва у билан чамбарчас боғлиқликда кўриб чиқилиши мумкин. Адабий манбаларни ўрганиш бу муносабатлар тарихида маълум босқичларни ўрганиш имконини беради.

Мавзунинг долзарблиги. Ривожланишда нуқсони бўлган чақалоқнинг туғилиши, касалликнинг табиати ва даражасидан қатъий назар, оилавий ҳаётнинг барқарор кечишини чеклайди. Болада нуқсон аниқланиши деярли ҳар доим ота-оналарда оғир стрессни келтириб чиқаради, оила психологик томондан қийин вазиятга тушиб қолади. Афсуски, аномал болалари бўлган барча ота-оналар ҳам бундай инқирозни мустақил равишда енгиб, ҳаётларини мазмунга тўлдира олмайдилар. Яқин инсонлар ва қариндошлар ота-оналарга ёрдам беришлари керакдек кўринадию, аммо улар боланинг жароҳати ёки касаллиги ҳақида билишганида, улар ҳам инқирозни бошдан кечиришади. Ҳар бир инсон болага ва унинг ота-онасига қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақида бош қотиришига тўғри келади. Улар қандай ёрдам беришларини билмай, хушмуомала бўлишдан қўрқиб, баъзида муаммони сезмагандек кўриниш учун сукут сақлашни афзал кўрадилар, бу эса аномал боланинг оиласи аҳволини янада мураккаблаштиради. Бобо-бувилар уятдан ногирон набирани тан олмай қолишлари кам учрайдиган ҳолат эмас. Шу сабабли, замонавий цивилизация жараёнида ривожланишида нуқсони бўлган болалари бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга консультатив ёрдамнинг ташкил этилиши, алоҳида эҳтиёжли болалар ота-оналарининг психологик саломатлиги оилада нуқсонли бола дунёга келиши билан оиланинг ҳаёти фақатгина оқ ва қора ранглардан иборат бўлиб қолмаслиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқот мақсади - психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар тарбияланадиган оилаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида нуқсонли фарзандни дунёга келтирган ва уни тарбиялаётган аёлларни психологик реабилитация қилишга қаратилган изланишлар тарихини ўрганиш.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот гипотезаси - ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ота-оналаридаги эмоционал ёнишлар, улар саломатлигининг детерминанти ҳисобланади. Бундай таҳлил ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналарида психопатологик бузилишларни юзага келтириши мумкин. Жамиятнинг мазкур турдаги оилаларга бўлган муносабати, уларга кўрсатилаётган ижтимоий-психологик ёрдам, консультатив қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада эмаслиги сабабли нуқсонли боласи бўлган онанинг ҳаётий мотивацияларини ижобий томонга ўзгартириш, шахсининг конструктив йўналганлиги таъминлаш ва натижада у ўз фарзандида жисмоний нуқсони бўлишига қарамасдан ҳаётга умид кўзи билан қараши, ўз ўзини қарор топтиришга бўлган интилишини уйғота олади деган ёндашувни ўртага қўйиш мумкин.

Мавзу бўйича илмий адабиётлар таҳлили ва методология. Турли тарихий даврларда жисмоний ва руҳий касалликларга эга бўлган шахсларни соғлом инсонлар томонидан қабул қилиш ўз хусусиятларига эга бўлган ва турлича шакл олган. Қадимги Греция ва Римда аномал болаларга бўлган муносабатнинг тарихи уларга муносабатнинг ғайриинсоний усули кўрсатилганидан далолат беради. Жамиятда бундай муносабатга аномал шахслар таъсиридан миллатни ҳимоя қилиш шакли сифатида қаралган. Бу позиция фалсафий нуқтаи назардан ҳам асосланган (Аристотель, Платон). "Шундай қонун кучга кирсинки, - деб ёзади Аристотель, - ҳеч қандай ногирон бола овқатланмаслиги керак". Шунингдек, Рим файласуфи Сенеканинг «Ақл қоидалари: соғломни носоғломдан ажратиш» қонунига амал қилиб, Спарта қироли Ликургнинг (милоддан аввалги IX-VIII асрлар) жисмоний нуқсони бўлган чақалоқларни ўлдиришни буюргалиги ҳақида далиллар мав-

жуд. Бу даврда ота-она ҳис-туйғуларини ҳеч ким инобатга олмаган. Рим қонуни ақлдан озган ва кар-соқовларни (камбағал ёки бой бўлишидан қатъий назар) меҳнатга лаёқатсизлар қаторига киритди ва уларни фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилди. Кейинги тарихий давр ҳам бу масалага ижобий ўзгаришлар киритмади[1].

Дин ўрта асрларда ижтимоий ҳаётнинг кўпгина муаммоларига жиддий таъсир кўрсатди. Бу айниқса католикликка тааллуқли эди. Ўша даврдаги черков қонунларига кўра, жисмоний ёки руҳий жароҳат инсоннинг ўзи ёки унинг ота-боболарининг гуноҳлари учун жазо ҳисобланган эди. Айнан шу даврда психик ва жисмонан нуқсонли шахсларга бўлган муносабатларда гуманистик тенденциялар юзага келди, кейин эса ривожланиб борди. Ўз позициясини фалсафий асослаб, ақли заиф одамларнинг тарбияси ва таълими ҳақида ғамхўрлик қилиш зарурлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб ифода етган машҳур славян ўқитувчиси Ян Амос Коменский эди. У барча аномал болаларни ўқитиш мумкин деб ҳисоблаган. У ўз асарларида "инсоний таълимдан ҳеч кимни ажратиб бўлмайди" деб ёзади[2].

Жисмоний ва руҳий нуқсонга эга шахсларга ёрдам кўрсатиш ва бундай ёрдамни фаоллаштиришга эҳтиёж мавжудлигини тушуниш XVIII аср бошларига келиб муҳим аҳамият касб эта бошлади. Адабий манбалар тасдиқлайдики, ақли заиф инсонларни ўқитиш ва тарбиялаш имконияти биринчи бўлиб, чет элда XVIII–XIX асрларда машҳур француз психиатри Жан Итар томонидан исботланган, ва у Аверон яқинидаги ўрмондан топиб олинган Виктор исмли болакайни ўқитиш ва тарбиялашга уринишни амалга оширган. Кейинроқ, XIX аср ўрталарида, муаммо илмий тус олади.

Жан Итар тажрибаси аста-секин Европада кенг тарқала бошлайди. Бу тажрибадан унинг врач–ҳамкасблари кенг фойдаланадилар ҳамда уларнинг фаолиятлари натижаси ривожланишида нуқсони бўлган болаларни даволаш ва тарбиялаш мумкинлигини исботлайди. Руҳий касал болаларни биринчи устози ва мураббийлари ҳам улар бўлдилар. Аномал ривожланиш эгаларини ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ривожлантириш билан А.Бине ва Т.Симон (1910, 1911), Д.Бурневиль (Bournevile, 1894, 1899); Г.Даниэль и Ж.Филипп (Daniel et Philippe, 1899); Ж.Декроли (Decroly, 1905); Ж.Демор (Demoor, 1898, 1909); Ж.Демор ва Г.Даниэль (Demoor et Daniel, 1898, 1900); М.Монтессори (1913); С.Сантктис (Santctis, 1906), Ж.Филипп ва П.Бонкур (1911); Э.Сеген (1903) ва бошқалар шуғулландилар.

Россияда руҳий касал боланинг ҳолатига оиланинг ижобий таъсирини ўрганишнинг биринчи тажрибалари XIX аср бошларида бошланди. Бу тоифадаги беморлар билан ишлайдиган мутахассислар турли психик бузилишларни профилактика қилиш ҳамда даволаш учун оилавий муҳитдан фойдаланиш мумкинлигига эътибор қаратишди. XIX аср 30 йилларининг охирига келиб, ижтимоий психиатрия асосчиларидан бири бўлмиш И.Ф.Рюль ташаббуси билан дунё амалиётида биринчи марта руҳий касалларни умуммиллий рўйхатга олиш ўтказилди. Рўйхатга олиш натижаларини умумлаштириш билан бир вақтда И.Ф.Рюль руҳий касал болаларни ота-оналари ва яқинлари учун "Қисқача кўрсатма" тузиб чиқди. "Кўрсатма"даги қатор маслаҳатлар руҳий касал болаларга бўлган муносабатда уларнинг оила аъзолари қўллаши керак бўлган чораларни аниқлаб берди. Улар орасида "бир бири билан мулоқотда дўстона муносабатда бўлиш", "одатлар ва ҳаёт тарзининг турғун ижобий бўлиши" ҳақида келтириб ўтилган. Болалар билан тушунтирувчи суҳбатлар олиб бориш ва уларни фойдали ишлар билан машғул қилиш ота-оналарнинг мажбуриятларига киритилди.

Шу билан бир вақтда Россияда руҳий хаста инсонларни оилаларида даволаш амалиёти кенгайиб борди. Касал болаларга унинг яқинлари томонидан инсонпарварлик билан муносабатда бўлиш тавсия қилинган ҳамда уларни тузалишларига оила аъзоларининг таъсири кўриб чиқилган. 1859 йилдан оилавий ҳомийликнинг ривожланиши доирасида касал боланинг оиласига даволовчи врачнинг махсус таъсир кўрсатиши муаммоси муҳокама қилинади. Бунда нафақат касал бола ҳолатини доимий кузатиш ва назорат қилиш, балки қарамоғидаги касалга меҳрибонлик билан муносабатда бўлишлари, ўзларининг суҳбатлари билан унинг психологик фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатишлари учун оила аъзолари билан ҳам тарбиявий суҳбатлар олиб бориши назарда тутилган. Шу йўсинда, биринчи бўлиб аномал бола оиласи-

[1] И.В.Добряков, О.В.Защиринская Психология семьи и больной ребенок. Учебное пособие: Хрестоматия. — СПб.: Речь, 2007.-400 с. 9-10 бетлар.

[2] И.В.Добряков, О.В.Защиринская Психология семьи и больной ребенок. Учебное пособие: Хрестоматия. — СПб.: Речь, 2007.-400 с. 9-10 бетлар.

даги муаммо касалнинг ҳолатига фойдали таъсир қилиш мақсадида оилаларни жалб қилиш доирасида кўриб чиқилган.

Тиббий-профилактик ёрдам кўрсатишда оилалар билан ишлаш тажрибаси етакчи психиатрларнинг биринчи конгрессида муҳокама қилинди. Рус психиатри С.С.Корсаков ўз нутқида уй шароитида даволаш имконияти бўлган касаллар категориясига аниқлик киритган. Руҳий хаста беморларни оилада кенг кўламда парваришлаш, маънавий таъсир билан бир қаторда даволаш ишларини амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса уларнинг аҳволини оила аъзолари томонидан тўғри қабул қилинишини кўзда тутади.

Уларни бир бирига территориал яқинликда жойлаштирилган ҳолда оилада даволаниши яхши натижалар беради деб ҳисобланган. Касалнинг оиласи даволаш ишлари ва психотерапия ўтказилишида фақатгина фон эмас, балки унинг маълум бир компонентига айланди. Оила шифокорнинг тўғри даволаш усулини танлашига ва бунинг учун зарурий муҳитни яратишга ёрдам берган. XX асрнинг бошларида Россиянинг йирик шаҳарларида руҳий касалларни оила шароитида даволашнинг турли шакллари пайдо бўлди ва синовдан ўтказилди.

Мутахассислар томонидан нуқсонни вужудга келиши ва оиладаги тарбия камчиликлари ҳақидаги маълумотларни ҳам маърузаларга киритган ҳолда ота-оналар билан тушунтириш ишлари олиб борилишига алоҳида эътибор берилган[1].

Масалан, П.П.Кащенко касалга оиланинг психологик таъсири ғоясини касалнинг яқинлари билан мулоқоти натижасида аутизацияга тўсқинлик қилиш орқали асослаган. Машҳур психиатр психик бузилишларни даволашда "оиланинг индивидуал хусусиятлари яхши таъсир кўрсатиши" муҳимлигини таъкидлаб ўтган.

Муҳокама қилинаётган масалаларга ота-оналар мавзусини киритиш масаласи XX аср бошидаги машҳур психиатр, психолог ва педагог олимлар асарларида намоён бўлди. Г.И.Россолимо фикрича, аномал болалик муаммоси бўйича ўша вақтларда Европадаги энг яхши мутахассислардан бири, Ж.Деморнинг нашрлари қизиқиш уйғотди. Унинг 1909 йилда Россияда чоп этилган "Нормал бўлмаган болалар, уларни уйда ва мактабда тарбиялаш" номли монографияси аномал болалар, шунингдек, уларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатига тааллуқли кенг кўламли масалаларни ўз ичига олади.

Шифокор М.Владимирский томонидан 1911 йилда рус тилига таржима қилинган немис олими ва педагоги Б.Меннелнинг "Ақли заиф болалар учун мактаблар" номли монографиясида Германияда ақли заиф болалар учун мўлжалланган мактаблар ҳолатининг ("Ота-оналар ва ўқувчининг ҳаёт шароити") систематик таҳлили берилади.

Россияда руҳий касаллар учун оила иштирокидаги тиббий, тарбиявий муассасалар ташкил қилиниши билан бир вақтда оилавий психотерапия манбалари ҳам шаклланди. Бундай тиббий, тарбиявий муассаса биринчи марта 1882 йил Петербургда машҳур врач ва педагог И.В.Малялевский барпо этади. Бундай муассасадаги ишлаш тажрибаси ўша вақтларда хорижий мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотди.

Руҳий хасталик белгиларининг шаклланишида нотўғри тарбиянинг роллари ва оиладаги ўзаро муносабатлар ўрганилиши И.В.Малялевский ва унинг издошлари томонидан амалга оширилган тиббий ва тарбиявий таъсир чора-тадбирлари учун катта аҳамиятга эга эди. Оилавий тарбияга алоҳида эътибор берган И.В.Малялевский, ота-оналарнинг педагогик тажрибасизлиги уй шароитида болаларда худбинликнинг ривожланиши, атрофидагиларга нисбатан бурч ҳиси йўқолиши, ўзини жуда севишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида қалбий изтироб сифатида қабул қилинишини таъкидлаган. Тарбиядаги нуқсонларни тузатиш врач томонидан бола билан алоҳида ёки зарурат туғилганда ота-оналар иштирокида суҳбатлашиш орқали амалга оширилган. Ота-оналар учун ҳам оиладаги тарбия нуқсонларини кўрсатган ҳолда консультациялар ташкил қилинган.

Шуни эътироф этиш керакки, бундай муассасаларда психик ва жисмоний камчилиги бўлган барча болаларга оиласи иштирокида ёрдам кўрсатилган[2].

Машҳур дефектолог В.П.Кащенко касал боласи бўлган оилаларга ёрдам бериш жараёнида, биринчи навбатда ота-оналарга боласи характерининг нуқсонлилигини ва буни тарбиялашдаги қийинчиликларни тушунтиришга эъти-

[1] Малофеев Н.Н. Специальное образование в России и за рубежом: Часть 1: Западная Европа - М.: Печатный двор, 1996. – 182 с. 98-104 бетлар;

[2] Кащенко В.П. Педагогическая коррекция: Испр. недостатков характера у детей и подростков: Кн. для учителя.—— 2-е изд.—М.: Просвещение, 1994.—223 с. 31-39 бетлар.

бор қаратган. Шунингдек, уларга кун тартиби, болага бўлган муносабат тактикаси, ота-оналар ўқишлари учун махсус адабиётлар бўйича тавсиялар берган. Ота-оналарга ёрдам сифатида коррекцион тарбия системасини татбиқ қилиш учун педагог-дефектологни таклиф қилиш ҳам тавсия қилинган.

1912 йилдан бошлаб Петербургда Психоневрологик институт қошида ота-оналар учун ҳам курслар мавжуд бўлган ёрдамчи мактаблар очилган. Бу курслар болалик даврининг характери ва унинг умумий психопатологиялари ҳақидаги таълимот билан таништиришни ўз ичига қамраб олган. Ота-оналар ва болалар билан биргаликда машғулотлар олиб борилган, уларда нафақат оиладаги низоли мураккаб вазиятлар ўрганилган, балки уларни "ўзаро келишув ва асабий болаларни қўзғатувчи предметлардан чалғитиш йўли билан" бартараф қилиш бўйича ҳам маслаҳат ва тавсиялар берилган. 1907 йилдан 1912 йилгача шунга ўхшаш "биргаликдаги таълим ва тарбия тўгараги" Москвада ҳам фаолият юритади[1].

Шу йўсинда, касал болани даволаш ва тарбиялаш муаммосини ҳал этиш учун ўтган аср олимлари томонидан оила таъсиридан фойдаланиш усуллари яратилди.

XX асрнинг ўрталарига қадар ота-оналар билан ишлашнинг мазмуни тавсиявий характерга эга эди. Бу анъаналар қуйидаги етакчи рус олимлари, психологлар, педагоглар, психиатрларнинг ишларида давом этди: Д.И.Азбукин, И.Л.Белопольская, Т.А.Власова, Г.Л.Выгодская, Л.С.Выготский, М.Ф.Гнездилов, А.Н.Граборов, Е.К.Грачева, Г.М.Дульнев, С.Д.Забрамная, Л.В.Занков, М.В.Ипполитова, Е.И.Исениной, Б.Д.Корсунская, К.С.Лебединская, Э.И.Леонгард, В.И.Лубовский, А.Р.Маллер, Е.М.Мастюкова, М.С.Певзнер, В.Г.Петрова, Б.И.Пинский, Л.И.Солнцева, И.М.Соловьев, Е.А.Стребелева, Г.Я.Трошин, Г.В.Цикото, Ж.И.Шиф ва бошқалар. Лекин, шуни тан олиш керакки, бу даврда тарбияда жамиятнинг устунлик қилишига урғу берилиши оила омилидан фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада чеклади.

Ривожланишида муаммолари бўлган болани ижтимоийлаштириш учун жараёнга унинг ота-онасини ҳам жалб қилмай туриб эришиб бўлмайди. З.Фрейд фикрича, оила ижтимоий институт сифатида болани ижтимоийлаштириш вазифасини бажаради. Айнан оилада боланинг инсоний қадриятлар, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характери ҳақидаги биринчи тасаввурлари ўзлаштирилади, аҳлоқий сифатлари шаклланади. Шунинг учун ривожланишида нуқсони бўлган боланинг оиласи ҳам унинг биринчи ижтимоийлаштирувчи институти бўлиши керак. Ривожланишида нуқсони бўлган боланинг ижтимоийлашиш жараёни босқичма-босқич кўриб чиқилади. Бола ижтимоийлашувининг биринчи босқичи оилага мослашуви бўлиши мумкин. Иккинчи босқич – махсус таълим муассасасига мослашиш. Охирги ва энг асосий босқич – бутун оила мослашувини ҳам ҳисобга олган ҳолда жамиятга мослашув[2].

Сўнгги йилларда махсус педагогика ва психологиянинг турли соҳаларида ривожланишида нуқсони бўлган болани тарбиялаётган оила муаммоларини фаол ўрганиш зарурлигидан далолат берувчи ишлар пайдо бўлди. Мутахассисларнинг қизиқиши энди болаларда маълум билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг услубий масалалари билан чекланмайди. Касал боланинг оиласига коррекцион таъсир кўрсатишга урғу берилади. Шу билан бирга, ривожланишида нуқсони бўлган болага яқинларининг ижобий таъсири, унинг нафақат махсус муассасада, балки уйда таълим олиши учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитишнинг турли шакллари, оғир ва жиддий психик ва жисмоний нуқсонлари бўлган болалар билан ишлашда коррекцион таъсир доираси боланинг ижтимоий мослашувини асосий барқарорлаштирувчи омили сифатида оилани ҳам ўз ичига олади. XX аср охирида, ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оила муаммосига жамият эътиборининг кучайиши муносабати билан бу масалага бағишланган асарлар пайдо бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, бу асарлар маълум даражада оила муҳитини ва ижтимоий муҳитнинг бемор боланинг ривожланиш хусусиятларига таъсирини тавсифлайди.

[1] Хайдарова Хилола Рахимбердиевна (2020). Повышение виртуальной педагогической культуры родителей на основе компетентностного подхода. Новые импульсы развития: вопросы научных исследований, (2), 366-370. 366-369 – бетлар.

[2] Ибрагимова Найира Анваровна. «Тилшуносликда матн тушунчасининг тадқиқи ва таҳлили». // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. 12, 2022, pp. 1299-1304. 1300-1301 бетлар.

Г.А.Мишина томонидан олиб борилган тадқиқот ота-оналар ва болалар жуфтликларида ҳамкорлик қилишнинг турли хил вариантларини ўрганиш ва коррекция қилишга қаратилган. Муаллиф ёш болалар ривожланишидаги психик ва жисмоний нуқсонларни нафақат органик ва функционал бузилишларнинг, балки алоқа етишмаслиги, ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳамкорликнинг етарли усуллари йўқлигининг оқибати туфайли иккиламчи кўриниш сифатида ҳам кўриб чиқади. У ота-она ва бола ҳамкорлигининг олтита моделини аниқлайди (изоляция, ўзаро тахмин қилинган боғлиқлик, ўзаро оғзаки боғлиқлик, «жимгина биргаликда мавжудлик», «таъсир ва ўзаро таъсир», фаол ўзаро боғлиқлик).

Г.А.Мишина эксперимент натижаларини таҳлил қилиб, муаммоли болани эрта ёш даврида тарбиялаётган ота-оналарнинг хатти-ҳаракатлари қуйидаги хусусиятларга эга деган хулосага келади: биргаликдаги фаолият муҳитини ярата олмаслик, ҳамкорликнинг эмоционал эмаслиги, болага бўлган муносабат позициясининг номутаносиблиги, тарбиянинг ноадекват услуби, бола билан мулоқот қилиш эҳтиёжининг етарли эмаслиги. Муаллиф томонидан ўтказилган ўргатувчи эксперимент ота-оналарнинг муаммоли бола билан мулоқотида ҳам (унинг ривожланиш хусусиятларини адекват қабул қилиш, қатъий тарбия услуби, у билан мулоқот қилиш эҳтиёжининг шаклланганлиги ва бошқалар), болаларнинг билиш ва ижтимоий даражаси ривожланишидаги ижобий ўзгаришлар сифатида ҳам ижобий динамикани аниқлади[1].

Илмий муаммонинг қўйилиши. Замонавий цивилизация жараёнида психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар тарбияланадиган оилаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун бир қанча ҳолатларга эътибор бериш даркор. Айнан шу мақсадда нуқсонли фарзандни дунёга келтирган ва уни тарбиялаётган аёлларни психологик реабилитация қилишга қаратилган изланишлар тарихини ўрганиш, уларни илмий таҳлил қилиниши, оила ичкарисидаги емирилишларни, ота-оналарнинг эмоционал ёнишларини олдини олишга, уларнинг кейинги ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни амалга оширишга замин яратади.

Асосий натижа ва таҳлиллар. Психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар тарбияланадиган оила муаммосига қисқа тарихий назар солиш, унинг юзага келиши ва ривожланишининг алоҳида, нисбатан муҳим бўлган жиҳатларини ёритишга имкон берди. Шу йўсинда, касал болани даволаш ва тарбиялаш муаммосини ҳал этиш учун ўтган аср олимлари томонидан оила таъсиридан фойдаланиш усуллари яратилди.

Жумладан, Бергамо университетидан Д.Финарди, Д.Палеари ва Д.Финчемлар 2022 йилда ногирон болаларни тарбиялаётган оналарнинг ўз ўзини кечириши хусусиятларини тадқиқ қилганлар. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг оналари ўз ўзини кечириши болага нисбатан яхшироқ муносабат ҳамда фаровонликнинг юқори даражасини белгилаб бериши аниқланган. АҚШнинг Индиана штатидаги Болла университети тадқиқотчиси М.Гловацки-Дудка эса, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг оналарини хурсандчилик ҳолатларини автоэтнографик тарзда тадқиқ қилган. Унинг тадқиқоти натижаларига кўра, айнан онанинг кайфияти оиладаги психологик фон ҳолатини белгилаб беради, шунингдек нуқсонли боласи бўлган онанинг ҳаётий мотивациялари ижобий бўлса, шахсининг умумий йўналганлиги конструктив бўлса, у ўз фарзандида жисмоний нуқсони бўлишига қарамасдан ҳаётга умид кўзи билан қараши, ўз ўзини қарор топтиришга бўлган интилишини уйғота олади.

Канадалик олим Л.Заппароли ривожланишида нуқсони бўлган болалари бор ота-оналар бошдан кечирадиган стрессларни ўрганган. Олим ота-оналарга психотерапевтик ёрдам кўрсатилганда, уларнинг самарадорлигини оширувчи ресурсларини юзага чиқариш мумкин деган фикрни илгари суради. Польшанинг Жисмоний тарбия университети олимлари А.Садзяк, В.Вилиньски ва М.Вечореклар томонидан ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ота-оналаридаги эмоционал ёниш улар саломатлигининг детерминанти сифатида кўрсатилади, нуқсонли фарзанди бўлган ота ва оналарда эмо-

[1] Григорьева С.И., Мишина М.М. Проблемы морали и нравственности в психологических исследованиях разных типов семьи / С.И. Григорьева, М.М. Мишина / В сборнике: Эффективность исследований, перспективы развития сборник материалов международной научно-практической конференции X11 Левитовские чтения в МГОУ. 2017. – Т. 1 – С.55-60. ISBN–978-5-701728-15-6 58-60 – бетлар.

ционал ёниш ҳолати юзага келмаслиги учун тавсиялар ишлаб чиқилган[1].

Ногирон фарзанд тарбияланаётган оиладаги шахслараро муносабатларнинг оила фаровонлигига таъсир кўрсатиши Д.Баумрид ва Е.Маccобуларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган. Д.Баумрид ривожланишида нуқсони бўлган болаларни оилада тарбиялаш усулларининг оиланинг психологик фаровонлигига таъсир этиш хусусиятларини тадқиқ қилган. Унинг фикрича, ота-оналарнинг *мулойимлик тарбия услуби* бола тарбиясининг энг бузғунчи услубларидан биридир. Бундай тарбия олган болалар ўзини тута олмайдиган, маънавий етук бўлмаган ва ижтимоийлашмаган хулқ-атворни намоён қилишади. Е.Маccоby аномал бола оиласидаги ота-она ва бола ўртасидаги ишончнинг детерминантларини таҳлил қилади. Маccоby Е. Фикрига кўра, қачонки бола янги муаммо билан тўқнаш келиши мумкин бўлган вақтда, у ҳам гаплашиш, ҳам эшитишга тайёр бўлади. Бундай вақтда ота-она чуқур таассурот қолдирадиган нимадир қилиши ёки мумкин, ёлғон ваъда улар ўртасидаги таъсир кучини ўзгартириб ўрнатилаётган ишончли муносабатни бузиши мумкин[2].

Бошқа томондан, бу жиҳатлар психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган шахслар билан ўзаро муносабатлар муаммосига бўлган жамият қарашларининг эволюциясини акс эттирганини кўришимиз мумкин:

1. Қадимда нотўлиқ шахслардан ҳалос бўлиш давлат ва инсоннинг ўз ўзини ҳимоя қилиш шакли сифатида;

2. Психик ва жисмоний бузилишларга эга бўлган шахсларга гуманистик муносабатнинг юзага келиши ва ривожланиши;

3. Психик ва жисмонан нуқсонли болаларга ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатишдаги биринчи тажрибалар;

4. XX аср бошларида нуқсонли болаларнинг ота-оналарига консультатив ёрдамнинг ташкил қилиниши;

5. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ота-оналаридаги эмоционал стресслар оқибатларининг ўрганилиши;

6. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ота-оналарида психопатологик бузилишларнинг ўрганилиши;

7. Бола касаллигининг оилавий муносабатларнинг характерига, оиладаги тарбия принципларига ва оила типларига бўлган таъсирининг ўрганилиши;

8. Ривожланишида нуқсони бўлган болалари бор оилаларнинг ижтимоий-психологик мослаштиришга қаратилган комплекс тизимлар яратилиши учун асоснинг шаклланиши;

9. XX асрнинг ўрталарида ота-оналар билан тавсиявий характерга эга бўлган ишларнинг давом этиши;

10. Махсус педагогика ва психологиянинг турли соҳаларида ривожланишида нуқсони бўлган болани тарбиялаётган оила муаммоларини фаол ўрганиш зарурлигидан далолат берувчи ишлар пайдо бўлиши.

Хулоса. Коррекцион педагогика ва психология ривожланишининг замонавий босқичи жисмоний ва психик камчиликлардан азият чекаётган болаларни ижтимоий мослаштиришнинг янги самарали йўлларини излаш билан характерланади. Оилада ривожланишида нуқсони бўлган фарзанд дунёга келиши биланоқ оиладаги психологик муҳит, шахслараро муносабатлар, қадриятлар ўзгариши, умуман олганда оиланинг ичкаридан емирилиши кузатилади ва бу ҳолат бевосита нуқсонли боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ўтказилган тадқиқотимизда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

– ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оила муаммоси нисбатан янгилиги, мазкур турдаги оилаларга бўлган эътибор ва психологик ёрдамнинг етарли даражада қониқарли эмаслиги;

– ногирон фарзанди бор аёлларнинг кўпчилиги фарзанди билан бўлган муносабатларида қийинчиликларга ва ўзларига бўлган ишончсизликка учрашлари ва шунинг учун ҳам мутахассисларнинг психотерапевтик ва психологик кўмагига эҳтиёж сезишлари;

– алоҳида эҳтиёжли фарзандни тарбияловчи оиларнинг психологик фаровонлиги боланинг камолоти учун энг юқори ўринда турувчи омиллардан бири эканлиги, айнан онанинг кайфияти оиладаги психологик фон ҳолатини бел-

[1] Улмасова, Д. (2021). Факторы, влияющие на развитие эмоционального интеллекта. Общество и инновации, 2(11/S), 166–169. 167 – бет. https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp166-169

[2] Shoxsanam Sagatova. (2022). Characteristics of interpersonal relations in a family of children with disabilities. // E Conference Zone, 78–79. 78-79 – бетлар Retrieved from http://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/341

гилаб бериши, шунингдек унинг ҳаётий мотивациялари ижобий бўлса, шахсининг умумий йўналганлиги конструктив бўлса, у ўз фарзандида жисмоний нуқсони бўлишига қарамасдан ҳаётга умид кўзи билан қараши, ўз ўзини қарор топтиришга бўлган интилишни уйғота олиши;

– ногирон фарзандни тарбиялаётган ҳамда турғун эмоционал стрессларни бошдан кечираётган ота-оналарга психотерапевтик ёрдам кўрсатилганда, уларнинг самарадорлигини оширувчи ресурсларини юзага чиқариш мумкинлиги ҳамда улардаги эмоционал ёниш саломатлигининг детерминанти эканлиги;

– ногирон боланинг туғилиши билан боғлиқ бўлган стресс ҳолати кўп ҳолларда ўзининг ижобий ечимини топавермаслиги, балки, зўриқиш, ўткир эмоционал реакциялар, қайғу ҳиси, депрессиялар вақт ўтган сари тўпланиб боради ва шахсни невротизмга, индивидуал-психологик хусусиятларининг акцентуация ва психопатия даражасигача кучайиб кетишига олиб келиб, уни эмоционал соҳасига хос хусусиятга айланиб қолиши.

Тадқиқотнинг хулосаларидан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин:

1. Замонавий цивилизация жараёнида, жамиятимизда алоҳида эҳтиёжли шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда уларни тарбиялаётган оилаларни ҳам психологик фаровонлигини ҳисобга олиш.

2. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида нуқсонли фарзандни дунёга келтирган ва уни тарбиялаётган оналарга ёрдам беришнинг махсус психологик хариталари яратилиши.

3. Ногирон фарзанди бор оналарни психологик реабилитация қилишнинг дастурлари ишлаб чиқилиши ва ушбу дастурлар асосида реабилитацион марказлар ташкил қилиниши каби муҳим вазифалар туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. И.В.Добряков, О.В.Защиринская Психология семьи и больной ребенок. Учебное пособие: Хрестоматия. — СПб.: Речь, 2007.-400 с. 9-10 бетлар.

2. Малофеев Н.Н. Специальное образование в России и за рубежом: Часть 1: Западная Европа - М.: Печатный двор, 1996. - 182с.;

3. Кащенко Петр Петрович // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. — 3-е изд. — М. : Советская энциклопедия, 1969—1978.

4. Хайдарова Хилола Рахимбердиевна (2020). Повышение виртуальной педагогической культуры родителей на основе компетентностного подхода. Новые импульсы развития: вопросы научных исследований, (2), 366-370.

5. Ибрагимова, Найира Анваровна. «Тилшуносликда матн тушунчасининг тадқиқи ва таҳлили» Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. 12, 2022, pp. 1299-1304.

6. Григорьева С.И., Мишина М.М. Проблемы морали и нравственности в психологических исследованиях разных типов семьи / С.И. Григорьева, М.М. Мишина / В сборнике: Эффективность исследований, перспективы развития сборник материалов международной научно-практической конференции X11 Левитовские чтения в МГОУ. 2017. – Т. 1 – С.55-60. ISBN–978-5-701728-15-6 58-60 – бетлар.

7. Улмасова, Д. (2021). Факторы, влияющие на развитие эмоционального интеллекта. Общество и инновации, 2(11/S), 166–169. https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp166-169

8. Shoxsanam Sagatova. (2022). Characteristics of interpersonal relations in a family of children with disabilities. E Conference Zone, 78–79. Retrieved from http://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/341